

Лаборатория №27

Мавзу: Мактаб географик атласлари билан таништириш ва улар билан ишлаш.

Мақсад: 1. Ўқувчиларни географик атлас билан ишлашга ўргатиш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Материк ва океанлар табиий географияси дарслигини ДТС асосида умумий ўрта таълим мактабларида ажратилган соатлар асосида таҳлил қилиш
Атласлар ҳақида маълумот беринг, ишлаш усуллари ўрганинг.

2. Лаборатория дафтарга атлас билан биргаликда ишлаб ёзиш.

Ўқувчилар географик объектларни яхшироқ эслаб қолишлари учун, уларнинг манзараси, фотосурати ёки расмини кўрсатиш зарур. Айрим ҳолларда номларнинг қаердан келиб чиқганини ўрганилаётган жой билан боғлиқ бўлган воқеаларни айтиб бериш лозим.

Атоқли сайёҳ ва тадқиқотчи номи билан боғлиқ бўлган географик номларни ўрганишда, мазкур жойга қачон ва нима учун шу ном берилганлигини ўқитувчи изоҳлаб ўтади. Шу зайлда ўрганилган номлар узоқ вақт хотираларидан кўтарилмайди.

Мактабларнинг ҳар бир синфи учун дарслигига мос рафишда географик атласларларидан ҳам фойдаланилади. Бу ёрдамида эса ўқувчилар дарсликлардан олган назарий тушунчаларини атлас ёрдамида кўриб ўрганиб боради. Атласлар турли синфлар учун турли мукамалликда ишлаб чиқилган: Всинфлар учун-бошланғич табиий географик атласи

VI синфлар учун –материклар ва океанлар табиий географик атласи

VII синфлар учун-Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий географик атласи

VIII синфлар учун Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий географик атласи

IX синфлар учун эса Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географик атласлари Ергеодезкадастр томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу атласларда худуднинг табиий тузилиши, сиёсий-маъмурий тузилиши, иқлим карталари, ҳайвонот ва ўсимлик карталари, ташқи иқтисодий алоқалари, фойдали қазилмалари, экологик карталари, тупроқ карталари ва бошқа хил хусусиятлари кўрсатиб берилади.

Ўқувчилар хотирасида картадаги маълумотларни мустаҳкамлашда кўлда ишланган дидактик материаллардан (шартли белгилар, доирачалар, «ўқ»лар, турли шаклчалардан) фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Дидактик материаллардан бири бўлган доирачалар карта билан мустақил иш олиб боришда ҳам зарурдир. Доирачалар билан ишлаш VI, VII ва VIII синфларда олиб борилиши мумкин. Ўқувчилар картондаи диаметри тахминан 1,5 см келадиган доирачаларни қирқиб оладилар. Доирачалар қизил, яшил, сариқ, зангори, жигар рангда бўлади. Тайёрланган доирачалар кичик пакетча ёки конвертда сақланади. Доирачаларнинг миқдори 25—30 та бўлиши мумкин.

Ўқувчилар доирачалар билан ишлаганда маълум рангдаги доирачаларни бир хил объектга қўйиб чиқадилар. Бу ишнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ишини яхши кузатиб боради. Ўқувчилар бу ишни қизиқиб бажарадилар. Масалан, материклар географияси курсидан Евросиёнинг Тинч океан денгизларини ўрганишда, атласдан тегишли карта варағи очтирилиб шундай дейилади:

Тинч океан денгизларига яшил доирачалар, ярим оролларига қизил доирачалар, оролларига сариқ доирачалар қўйиб чиқинг.

Ўқувчилар бундай ишларни қизиқиш билан бажарадилар. Ҳар бир доирача тегишли географик объектга қўйилаётган вақтда шу жойнинг номини ҳам билиб оладилар.

ВИИИ синфда «Ўзбекистоннинг географик ўрни ва чегаралари» темаси ўрганилаётганда ҳам доирачалардан фойдаланиш мумкин: қўшни мамлакатларга қизил, капиталистик мамлакатларга оқ доирачалар қўйиб чиқилади. Бу иш бажарилиб бўлгандан кейин мамлакатлар ҳам, капиталистик мамлакатлар ҳам яққол кўриниб қолади. Бундай ишни олдиндан тайёрлаб қўйилган қизил ва оқ байроқчалар билан ҳам бажариш мумкин.

Ўзбекистоннинг фойдали қазилмаларини ўрганишда дастур талаб этган фойдали қазилмаларни айтиб, картада фойдали қазилмалар чиқадиган жойига уларнинг белгилари қадаб чиқилади. Изотерма чизиқлари ва табиат зоналарнинг чегараларини картада рангли иплар билан белгилаб қўйилади, шамолнинг эсиш томонлари «ўк» билан кўрсатилади.

Баъзан карталарга белгилар ўрнига «жадвалча»лар ҳам қадаш мумкин. Масалан, Ўзбекистон картасига иқлим кўрсаткичли куйидаги «жадвалча»лар қадалади:

Белгилар картага қадалганда синфнинг орқа парталарида ўтирган ўқувчиларга яхши кўринадиган бўлиши керак.

Baholash mezonlari.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyani mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*